


Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йил учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2023 йилнинг 9 ойи давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида кўрилган 4 411 нафар шахсга нисбатан 3 874 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлиб, шундан 3 143 нафар (71,3 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 23 нафар (0,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 6 нафар (0,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар тугатилган, 807 нафар (18,3 %) шахсга нисбатан апелляция инстанциясининг ажрим(ҳукм)лари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 432 нафар (9,8 %), шу жумладан 20 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилганлиги ёки зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.




Таҳлиллар, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг Олий суд кассация инстанциясида кўрилган қисмига нисбатан:

Қорақалпоғистон Республикаси (26,5 %), Жиззах (25,5 %) ҳамда Навоий (23,9 %) вилоят судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Сурхондарё вилояти (12,6 %), Самарқанд вилояти (11,1 %), Наманган вилояти (11 %), Тошкент вилояти (10,6 %) ҳамда Тошкент шаҳар (10,6 %) судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиши бошқа вилоятларга нисбатан кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Суд қарорларининг бекор бўлиши ёки ўзгартирилишига суд терговини ўтказиш тартибининг бузилганлиги, муддати ўтгандан сўнг берилган апелляция шикоятни юзасидан маҳкумнинг аҳволи оғирлаштирилганлиги, ишни кўриш давомида суд таркиби ўзгарган ҳолатда, ишни кўриш янгидан бошланмаганлиги, жазони ўташ колонияси турининг нотўғри белгиланганлиги, суд мажлиси баённомасининг имзоланмаганлиги, шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ёки йўқлигига тўғри баҳо берилмаганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни ўрнини қоплаш масаласининг нотўғри ҳал этилганлиги каби моддий ва процессуал қонунбузилишлар сабаб бўлаётганлиги, келгусида ишларни биринчи ва апелляция инстанция судларида кўрилишида мазкур қонун талабларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясида 1 023 нафар шахсга нисбатан 912 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган. Иш кўриш натижаларига кўра, 548 нафар (53,6 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, 287 нафар (28,1 %) шахсга нисбатан апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилганлиги, 33 нафар (3,2) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишларнинг тугатилганлиги, 11 нафар (1,1) шахсга нисбатан суд қарорларининг бошқа асосларга кўра бекор қилинганлиги, 144 нафар (14,1 %) шахсга нисбатан суд қарорларининг эса ўзгартирилганлиги қуйи судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга юзаки ёндашаётганлигини, аксарият ҳолларда иш бўйича келтирилган важларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо бермаётганлигини кўрсатмоқда.



Бунинг натижасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан Олий суд кассация инстанциясига шикоят келтириш кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, 2018 йилда Олий суд кассация (назорат) инстанциясига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан 190 та кассация (назорат) шикояти келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 880 та, 2022 йилда 1 416 та, 2023 йил 9 ойининг ўзида эса, 1 308 тани ташкил қилган.

Мазкур кўрсаткичлар қуйи судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Қуйида кассация инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилишига сабаб бўлган айрим мисоллар келтирилади:

Ишни кўришда бир қатор процессуал қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман судининг 2022 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ю. Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 189-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муддатга давлат идоралари, шунингдек давлат улуши бор идораларда раҳбарлик, моддий жавобгарлик вазифаси юкланадиган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 11 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. “Хожели дийхан базары” МЧЖ раҳбари сифатида ишлаб келиб:

2021 йил ва 2022 йил январь-март ойларида 284.7 млн сўмлик кўрсатилган хизматларга онлайн назорат касса машинаси чекини бермасдан жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган;

мансаб ваколатларидан фойдаланиб, жамият ҳудудидаги савдо ўринларидаги жисмоний ва юридик шахслар томонидан бир марталик йиғим ва бошқа хизматлар учун 2022 йил январь-март ойларида тўланган 156.1 млн нақд пул маблағлари учун онлайн назорат касса машинаси чеклари берилиб, ушбу пул маблағлари қабул қилиб олинганлигига қарамасдан, жамиятнинг банк ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўз манфаатларига ишлатиб юборган ҳолда, талон-тарож қилган.

Жиноят ишини кўриш жараёнида судлар томонидан бир қатор процессуал қонун талабларига риоя қилинмаган.

Хусусан, Ю. ни айбловига асос қилиб олинган Хўжайли туман давлат солиқ инспекциясининг “Хожели дийхан базари” МЧЖда текширув ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлари ҳамда ушбу текширув натижаси юзасидан тузилган 25.04.2022 йилдаги текширув акти Нукус туманлараро маъмурий судининг 24.08.2022 йилдаги ҳал қилув қарорига кўра қонунга мувофиқ эмас деб топилган.

Шунга қарамасдан, биринчи инстанция суди томонидан талон-тароғ бўлган ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилиши натижасида вужудга келган зарар суммаларини аниқлаш чоралари кўрилмасдан, Ю. Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 189-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ўз навбатида мазкур ҳолатга ҳамда гувоҳ Д.нинг айбловдаги сумма қаердан олинганлигини билмаслиги ҳақидаги кўрсатувига эътибор қаратмасдан, ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди томонидан тарафларнинг музокараси эшитилиб, суд мажлиси Ю. нинг охириги сўзини эшитиш учун 17.02.2023 йилга қолдирилган бўлса-да, 24.02.2023 йилда гувоҳ Б. сўроқ қилинган.

Бироқ, апелляция судлов ҳайъати томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 452-моддаси талабидан келиб чиқиб, суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқарилмаган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 15 сентябрдаги ажримига асосан, апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

1-2314-2201/93-сонли иш

Апелляция шикояти (протести) бериш муддати ўтгандан, шу жумладан ушбу муддат тиклангандан сўнг берилган, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг 2022 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра, Р. Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан Жиноят кодексининг 59,62-моддалари тартибида 2 йил 6 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосига судланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 23 майдаги ҳукми билан суд ҳукми бекор қилиниб, Р.га Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,184-моддасининг 3-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 189-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида, 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Олий суд Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 8-бандига кўра, Жиноят-процессуал кодекси 497⁴-моддасида белгиланган муддатлар ўтгандан, шу жумладан ўтказиб юборилган апелляция шикоят (протести) бериш муддати тиклангандан сўнг берилган, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди.

Иш ҳолатларига кўра, 24.01.2023 йилда ҳукмга нисбатан туман прокурори томонидан протест келтирилиб, протест бериш муддатини тиклаш юзасидан илтимоснома берилган.

Туман судининг 17.02.2023 йилдаги ажримига кўра, илтимоснома қаноатлантирилиб, протест бериш муддати тикланган.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди апелляция протести бериш муддати тикланганлигини эътиборга олмасдан, Р.нинг аҳволини оғирлаштириб, қўпол хатоликка йўл қўйган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 9 августдаги ажримига асосан, апелляция инстанциясининг ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

1-1402-2202/267-сонли иш

Ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2017 йил 18 октябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан Жиноят кодекси 59,61-моддалари тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда, 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 10 майдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгартирилиб, М.нинг айбидан Жиноят кодекси 25,167-моддаси 2-қисмининг “а” банди чиқарилган, Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг

59-моддаси тартибида, 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда, 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 406-моддасида, ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланган бўлиб, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда мазкур процессуал қонун талаби бузилган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш 05.12.2017 йилда раислик қилувчи Т., ҳайъат судьялари М. ва Э. дан иборат таркибда бошланиб, шу куни судланувчиларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган, далилларни текшириш бошланиб, судланувчиларнинг кўрсатувлари эшитилган.

25.12.2017 йилда ўтказилган суд мажлисида суд таркиби раислик қилувчи М., ҳайъат судьялари М. ва Э. дан иборат таркибга ўзгарган бўлса-да, бироқ ишни янгидан кўриш бошланмасдан, суд мажлиси гувоҳларни сўроқ қилиш билан давом эттирилган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 11 августдаги ажримига асосан, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

1513/1-1-228/17-сонли иш

Жазони ўташ колонияси турининг нотўғри белгиланганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига асос бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 30 августдаги ҳукмига кўра, Х. Жиноят кодекси 28,246-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 5-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 10 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 3 ноябрдаги ажримига асосан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлар жиноят иши юзасидан судланувчининг шахси ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, тўғри ва адолатли жазо тайинлаган бўлса-да, жазони ўташ колонияси турини танлашда хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, Жиноят кодекси:

80-моддасининг 2-қисмида, агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши;

50-моддасида, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Иш ҳолатларига кўра, Х. муқаддам жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 17.03.2016 йилдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 227-моддасининг 3-қисми ва 28,223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 15.12.2017 йилдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан Х. нинг ўталмаган 2 йил 3 ой 24 кун озодликдан маҳрум этиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 04.11.2019 йилдаги ажримига кўра, Х. Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан 7 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари озод қилинган.

Жиноят кодексининг 78-моддасига кўра, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач судланганлик ҳолати тугалланиши инobatга олинса, Х. кейинги жиноятини 24.02.2022 йилда, яъни судланганлик ҳолати тугалланмаган пайтда содир этган.

Бундай ҳолатда, Х. тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 16 августдаги ажримига асосан, суд қарорлари ўзгартирилиб, Х. га нисбатан суд ҳукми билан тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтатириш белгиланган.

1-1101-2204/241-сонли иш

Суд мажлиси баённомасининг имзоланмаганлиги Жиноят-процессул кодекси нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2022 йил 9 августдаги ҳукмига кўра, С. Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми, 117-моддасининг 2-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 6 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят-процессуал кодексининг:

426-моддасига кўра, суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши керак;

497²²-моддасига кўра, суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса, Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилиб, ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур процессуал қонун талаблари бузилган.

Жумладан, биринчи инстанция суди томонидан 02.06.2022 йилдан 23.06.2022 йилгача ўтказилган суд мажлислари юзасидан юритилган баённома суд мажлисида котиблик қилувчи Р. томонидан имзоланмасдан жиноят ишига тикилган.

Ваҳоланки, шу куни ўтказилган суд мажлисларида бир қанча далиллар текширилиб, жабрланувчи ва гувоҳлар сўроқ қилиниб, уларнинг берган кўрсатувлари суд ҳукмида С. нинг айбини тасдиқловчи далил сифатида келтирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам мазкур ҳолатга эътибор қаратмасдан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 14 августдаги ажримига асосан, апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

1-1806-2101/11-сонли иш

Шахсининг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ёки йўқлигига тўғри баҳо бермаслик суд қарорларининг бекор қилинишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 20 июндаги қарорига кўра, Ш.га Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 185²-моддасининг 1-қисми билан ушбу кодекснинг 21-моддаси қўлланиб, маъмурий жавобгарликдан озод этилган ва маъмурий иш тугатилган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 10 июлдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, Ш. 28.05.2023 йилда Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Музаффар” савдо бозори растасида бир дона пичоқни очиқ ҳолда қаровсиз қолдирган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Бироқ, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан ушбу Қонун талаблари бажарилмаган ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик барча ҳолатлар аниқланмаган.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 185²-моддасининг 1-қисмида, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, жамоат жойларида очиқ (ғилофсиз) ҳолда **олиб юриш** учун жавобгарлик белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Ш. савдо ишлари билан шуғулланиб, ундан ашёвий далил тариқасида олинган пичоқни супургиларни қирқишда ишлатган ҳолда, уни **олиб юрмаган**, аксинча ўзига тегишли савдо жойида пичоқни очиқ ҳолда **қаровсиз қолдирган**.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 26 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, Ш.га оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилган.

3-1503-2304/3228-сонли иш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарар ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс томонидан қопланиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2023 йил 17 августдаги қарорига кўра, З.га Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддаси билан 660 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

“FARZONA FAVORIT SERVIS” МЧЖдан жабрланувчи М. фойдасига етказилган 69.2 млн сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 6 сентябрдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, 3. 26.07.2023 йилда “FARZONA FAVORIT SERVIS” МЧЖга қарашли “СПАРК” русумли автомобилни, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Себзор кўчаси бўйлаб бошқариб келиб, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 73-банди талабларини бузган ҳолда, ўзидан олдинда кетаётган транспорт воситаси кескин тўхтаганда у билан тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган оралиқ масофани сақламасдан, ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган ҳайдовчи М. бошқарувида бўлган “SKODA KODIAQ” русумли автомобиль билан тўқнашув содир қилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шартлиги белгиланган.

“FARZONA FAVORIT SERVIS” МЧЖ ҳамда 3. ўртасида 26.07.2023 йилда тузилган автотранспорт воситасини ижарага бериш тўғрисидаги шартноманинг 6.1-бандида, “ижарага олувчи транспорт воситаси олинган вақтдан бошлаб, ижарага берувчи ёки учинчи шахсларга транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган ҳар қандай зарар учун белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортилади” деб кўрсатилган бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан жабрланувчи “М” фойдасига етказилган 69.2 млн сўм моддий зарарни қоплаш “FARZONA FAVORIT SERVIS” МЧЖ зиммасига юклатилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам мазкур ҳолатларга эътибор қаратмасдан, суд қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 26 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, ҳуқуқбузар 3. дан жабрланувчи М. фойдасига етказилган 69.2 млн сўм моддий зарарни ундириш белгиланган.

3-1003-2301/5079-сонли иш

**Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати**